

Халқаро зиёратчилар учун Ҳаж нархи 39 фоизга камайтирилди



15:22 / 24.06.2023 1238

Саудия Арабистонининг Ҳаж ва Умра ишлари вазири Тавфиқ ар-Робиа халқаро зиёратчилар учун Ҳаж нархи 39 фоизга камайтирилганини айтди. Бу ҳақда Al Arabiya манбаси хабар берди.

Подшоҳликнинг Ҳаж зиёратини ўтказиш учун тайёр эканини таъкидлаган Ар-Робиа бу йил 37 давлат муассасаси зиёратчиларга хизмат кўрсатишини маълум қилди. Унинг қўшимча қилишича, зиёратчилар сони пандемиядан олдинги даражага қайтган. COVID-19 чекловлари жорий қилинишидан олдин ҳар йили тахминан 2,6 миллион киши Ҳажга борган.

Шу билан бирга Саудия Қизил Ярим Ой жамияти бу йилги Ҳаж мавсумида муқаддас жойларда шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш учун саккизта AgustaWestland AW139 вертолётини ажратганини эълон қилди.

Вертолётлар энг сўнгги русумдаги тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ва малакали тиббиёт ходимларига эга бўлиб, фавқулудда вазиятлар юзага келганида ўртача етти дақиқада ёрдамга етиб боради.

Саудия Арабистонининг муқаддас Макка шаҳрига йиллик Ҳаж зиёрати 26

июнь куни бошланади.